




Оҳангарон дарёсининг турли сувлилик йиллардаги гидрографи



Оҳангарон дарёсининг ўртача кўп йиллик сув сарфини ойлар бўйича тақсимланиши

Сурхондарё ҳавзаси




Сурхондарёнинг гидрографик таърифи

- Сурхондарё ҳавзаси шимолда Ҳисор тоғ тизмаси, ғарб ва жануби-ғарбда унинг тармоғи бўлган Бойсун тоғлари ва шарқда Боботоғ билан чегараланади.
- Сурхондарё Тўпаланг ва Коратоғдарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Тўпаланг дарёнинг тоғлардан чиқиши еридаги ўртacha кўп йиллик сув сарфи $52 \text{ м}^3/\text{с}$, Коратоғдарёниги эса $23 \text{ м}^3/\text{с}$ дан иборат. Сурхондарёга ўнг томондан иккита йирик ирмоқ – Сангардак ва Хўжаипак дарёлари келиб қуилади. Хўжаипакдан жанубда асосан сел вақтида сув оқадиган бир қанча сой ва жарликлар бор ҳолос, улардан йириклари Бойсунсой, Оққопчиёй ва Тошкўприксойлардир.
- Сурхондарё ҳавзасининг тоғли қисми 8230 км^2 майдонга teng, унда ҳосил бўладиган оқимнинг умумий миқдори ўрта ҳисобда $120 \text{ м}^3/\text{с}$ га, ўртacha оқим модули $14,6 \text{ л/с} \text{ км}^2$ га teng. Сурхондарёнинг Мангузар қишлоғи ёнида йиллик оқимнинг $65,2\%$ и март-июн, $12,8\%$ июл-сентябр ва қолган 22% октябр-феврал ойларида оқиб ўтади. Максимал сув сарфи $700 \text{ м}^3/\text{с}$, минимал сув сарфи $0,1 \text{ м}^3/\text{с}$ га teng. Ўртacha лойқалиги $2,90 \text{ кг}/\text{м}^3$, оқизиқларнинг ўртacha кўп йиллик миқдори $193 \text{ кг}/\text{с}$ ёки йилига 6080 минг тоннага teng.

Кофирнихон ва Шерободдарёларнинг гидрографик таърифи

- **Кофирнихон** дарёсининг суви асосан Хисор тог тизмасининг жанубий ён бағрида ҳосил бўлади. Узунлиги 405 км, ҳавзасининг умумий майдони 11590 km^2 . Обибарзанг ирмоғининг қўйилиш жойига қадар Обисахид номи билан оқади. Кофирнихон дарёсининг Хисор водийсига чиқавериш жойида сув йиғилиш майдони 3040 km^2 , унинг ўртacha баландлиги 2753 м. Бу дарёning сув йиғилиш майдони 4000 м дан баланд бўлган жойлар атиги 4,7 %, ана шунинг учун Кофирнихонда тўлин сув даври эртароқ бўлиб ўтади.
- Йиллик оқимнинг 59,3 % март-июн, 30,3 % июл-сентябр ва қолган 10,4 % октябр-феврал ойларида оқиб ўтади. Кофирнихон дарёсининг тоғлардан чиқиш еридаги ўртacha кўп йиллик сув сарфи $104 \text{ m}^3/\text{сек. га}$, ўртacha оқим модули эса $34,2 \text{ л/сек.км}^2$ га тенг. Максимал сув сарфи $781 \text{ m}^3/\text{сек.}$, минимал сув сарфи эса $12 \text{ m}^3/\text{сек. га}$ тенг.
- **Шерободдарё** Амударёning унга сув келтириб қуядиган охирги ирмоғидир. Бу дарё Бойсунтоғ ва унинг давоми бўлган Кухитанг тоғларининг шарқий ён бағрида жойлашган. У Иргойли ва Қизилсой дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Дарёning умумий узунлиги 186 км, сув йиғилиш майдонининг ўртacha баландлиги 1495 м, сув йиғилиш майдони 2950 km^2 , ўртacha кўп йиллик сув сарфи $7,5 \text{ m}^3/\text{с}$, оқим модули $2,55 \text{ л/с км}^2$ га тенг. Бу дарёning ўзига хос хусусияти шундаки, сув йиғилиш майдони паст бўлганлигига қарамасдан оқимнинг йил ичида текис тақсимланганлигидадир. Оқим фасллар давомида бир текис тақсимланади

Қашқадарё ҳавзаси



Қашқадарёning гидрографик таърифи

- Қашқадарё ҳавзаси шимол ва шимоли шарқда Зарафшон, шарқда Ҳисор тизмаларининг ғарбий тармоқлари билан, жануб ва жануби шарқда Бойсун тоғлари билан чегарадош бўлиб, ғарбда у Қарши даштларига туташиб кетади. Тоғликдан чиқиши ерида Қашқадарёning сув йиғиш майдони 468 km^2 , ўртача баландлиги 1823 м, ўртача кўп йиллик сув сарфи $5,46 \text{ m}^3/\text{s}$, ўртача оқим модули $11,7 \text{ л/c km}^2$. Йиллик оқимнинг 64 % и март-июн, 11,7 % июл-август, 24,3 % октябр-феврал ойларида оқиб ўтади.
- Тоғлардан чиқиши жойидан то Қарши воҳасигача бўлган қисмида, яъни унинг ўрта оқимида Оқсув, Яккабоғ ва Танхоз дарёлари келиб қуйилади.